



ТРОПЛИ ДЕРИВАЦИЯ-МЕТАФОРАНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Эшимова Шарофат Кенжабоевна,

Самарқанд давлат чет тиллар институти катта ўқитувчиси

Калит сўзлар: *конверсия, деривация, лексик, троплар, парадигма, метафора, метонимия, семантик, синтагматик, компонент, омонимия, референт, семема, субъект.*

Ҳозирга қадар деривацион ҳодисалар талқини муайян бир тилнинг ички имкониятлари доирасида тадқиқ этиб келинганидан ташқари аксарият изланишларда лексик деривацияга алоҳида эътибор берилади. Семантик деривация ҳодисаси кўпинча эътиборсиз қараб келинади. Бунинг далилини семантик деривацияни турли нуқтаи назаридан тавсифланиши ҳодисасида кузатиш мумкин. М.В.Никитен талқинида семантик силжиш асосида содир бўладиган деривацион ҳодисаларни “грамматик конверсия”, “лексик конверсия” ва “тропли деривация” каби турлари фарқланади. Унинг изоҳига кўра, грамматик конверсия сўзнинг категориал ўзгариши билан чекланувчи нутқий ҳодисадир. Лексик конверсия эса, сўзнинг грамматик парадигмаси ўзгариши билан бирга унинг лексик маъносида янгиланиш содир қилувчи ҳодисадир. Лексик конверсия кўчиш билан боғлиқ семантик механизмларга таянишига кўра транспозитив ҳодисалар қаторига кирса ҳам, у метафора, метонимия ва гипонимия каби ҳодисалар орқали ўз ифодасини топадиган “тропли деривация”дан фарқланади. Чунки тропли деривация муайян бир сўзнинг семантик структурасида мавжуд бўлган имкониятлар доирасида содир бўлса, лексик конверсия бирдан ортиқ сўзларнинг синтагматик муносабати натижасида вужудга келади. [Никитен М.В. Курс лингвистической семантики – С.-Петербург., 2007. –С.400-446.]

Келтирилганлардан маълум бўладики, тропли деривация жараёнида объектларга хос семантик белгиларнинг қиёси натижасида асос сўзнинг семантик структураси ҳосила маъно ҳисобига

кенгайса, лексик конверсияда бунинг акси кузатилади. Чунки бу деривацион жараён бирикма таркибидаги плоанастик компонентлардан бирининг бартаараф этилиши эвазига асос структура тораяди. Шундай бўлишига қарамай, тропли деривациянинг воқеланишида муҳим бўлган қиёсий тасаввур лексик конверсия жараёнида ҳам иштирок этади. Бу деривацион жараёнда қиёсий мушоҳаданинг аҳамияти лексик бирликларнинг синтактик позицияси орқали англашиладиган семантик алоқадорликни аниқлашда кўзга ташланади.

Лексик маъно тараққиёти натижалари икки хил бўлади: 1) сўз маъносида ҳажм ўзгариши юз беради. Хусусан, юқорида келтирилган маънонинг торайиш ва кенгайиши шулар жумласидандир; 2) сўзнинг семантик таркибидаги маънолар миқдори кўпаяди, яъни миқдор ўзгариши юз беради. Бу ҳол сўзларда полисемия (кўп маънолиликка) ва омонимия ҳосил қилади. Ана шу жиҳат семантик деривация ҳодисасининг алоҳида типини, яъни тропли деривациянинг вужудга келиши учун асос бўлади. Айни фарқ семантик деривация таркибидаги ушбу ҳодисани алоҳида ўрганиш лозимлигидан ҳам далолат беради. Келтирилган таҳлилий мулоҳазалар эса, инглиз ва ўзбек тилларида сўзнинг лексик маъносига хос тараққиёт омиллари интеролингвистик ва экстралингвистик асослар билан боғлиқлигига кўра умумий моҳият кузатилса ҳам, бу омилларнинг семантик жараёнга тадбири ҳар доим ҳам тилларда бир хил асосга эга бўлавермаслигини далиллайди. Чунки ҳар бир тил вакили у яшаб турган муҳит ва унга бўлган муносабат, дунёқарашдан келиб чиққан ҳолда фикрлайди. Шунинг учун ҳам



метафорик ёки метонимик кўчим жараёнида юзага келадиган семантик ўзгариш гарчи ўхшашлик, алоқадорлик қонуниятлари жиҳатидан бир хил семантик моделни тақозо этса ҳам, ҳар бир тилда ўзига хослик билан ажралиб туради. Бу албатта тилларнинг ўзига хос лингвокультурологик асослар билан боғлиқ ҳолда ривожланишидан далолат беради

Тропли деривациянинг вужудга келиши асосан экстралингвистик шароит билан боғлиқдир. Чунки семантик деривациянинг бу турида, дастлаб, муайян бир сўзнинг маъно таркибида мавжуд бўлган имкониятлар бошқа бир сўз маъноси билан қиёсланади ва унинг натижасида аниқланган ўзаро ўхшаш, алоқадор жиҳатлар ҳисобига ҳосила маъно вужудга келтирилади. Масалан, *Our biggest enemy right now is inflation* жумласидаги *enemy* сўзи бош маъносига кўра жамиятга ёки бирор одамга таҳдид қиладиган субъект маъносини ифодалайди. Юқоридаги жумлада эса *enemy* сўзи иқтисодий таҳдид субъекти бўлган *inflation* сўзига нисбатан қўлланган. Худди шунга ўхшаш мисолни корейс тилида кўриб чиқсак. 그에 따르면 이 시의 주제는 따뜻한 인간의 혹은 인간적 진실의 따뜻함과 아름다움이라는 것이다. – Унга кўра бу шеърнинг мавзуси илиқ инсониятнинг яъни инсоний ҳақиқатнинг илиқлиги ва гўзаллигидир. Ушбу жумладаги илиқ сўзи инсоният ва ҳақиқатга нисбатан ижобий муносабатни ифодалаб келмоқда.

Яна Мун Сонг Шилнинг <신비 소설> 문성 실 “Сирли асар” асарида ҳам кўплаб метафораларни учратишимиз мумкин. Улардан баъзиларини таҳлил қилиб келтириб ўтамиз. 어린 시절부터 즐겼던 글쓰기와 심리학을 절묘하게 결합하여 인간의 무의식 속에 자리한 초자연적인 것에 대한 공포와 구원, 무속 신앙에 대한 새로운 시각 등을 담아 '신비 소설 무'를 펴냈다. Бу ерда муаллиф айтадики, “ёшлик даврдан бери қизиқиш

шуғулланиб келган ёзувчилик ва психологияни ажойиб тарзда бирлаштириб инсоннинг **ҳиссизлик ичида жойлашган** ғайритабиийлиги ҳақида кўркув ва ёрдам, шаманизм дини ҳақида **янги қараш** кабиларни ўз ичига олган “Сирли роман”ни тақдим этдим” дейди. Бу гапдаги **ҳиссизлик ичида жойлашган** ибораси инсониятнинг ҳиссизлиги ичидаги ғайритабиийлигини чиройли тарзда етказиб бера олган. Яна **янги қараш** метафораси ҳам шу қаторга киради. 나만이 가지고 있기에는 신비하고 아깝고 놀라운 무속의 세계를 말하고 싶다는 욕구로 시작된 짧은 글들이 십수 년 전 어느 날 내게 작가라는 이름을 붙여주었다. Бу гапда муаллиф айтмоқچики, фақат менда қолиб кетиши сирли ва ачинарли бўлиб хайратланарли **ҳиссиз дунё** ҳақида гапирмоқчи бўлиб бошланган қисқа ҳикоялар 10 йиллар олдинги кунларнинг бирида менга ёзувчи деган номни олиб берди. Бу ерда дунёнинг ҳиссизлигини муаллиф чиройли тарзда гап билан етказдириб берган. 그 당시는 마치 커다란 벽이 코앞에 세워진 것 같은 고난의 시간이었다. Яъни, ўша вақтда худди катта девор бурнимнинг тагида қурилгандек қийинчилик пайти эди. Бу ерда қийинчилик буруннинг тагида тургандек яқин ва кўзга кўринарли бўлган давр бўлганлиги айтилган.

Шундай қилиб, тропли деривацияни вужудга келтирувчи энг фаол воситалар сифатида метафора ва метонимияни қайд этиш мумкин. Тилшуносликда қайд этилишича, метафора ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўзаро ўхшаш келишига асосланган кўринишида. [Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. — С. 70; Реформатский А.А. Введение в языковедение. - С. 77.]. Бу изоҳ деярли барча тилшунослар томонидан тан олинган. Буни, дифференциал – семантик усул бўйича таҳлил этиб кўрилса ҳам, яққол тасаввур этиш мумкин. Масалан, уламоқ феъли 'учларини' 'бириктириб'



'боғламоқ' семемасига эга. У яна 'учига' 'қўшиб' 'узайтирмоқ' ҳосила маънони орттирган. Улар билдирган ҳаракат ўртасида ўхшашлик бор. Яъни ҳосила маъно юзага келиши метафора ҳисобланади. Ундаги ҳосил қилувчи семеманинг ҳам, ҳосила семеманинг ҳам учтадан семаси бор. Улар изоҳдаги биттадан сўзда ифода топган: ҳосил қилувчи семема семалари 'учларини' 'бириктириб' 'боғламоқ' бўлса, ҳосила семема семалари 'учларини' 'қўшиб' 'узайтирмоқ'дан иборат. Улардаги (ҳосил қилувчи ва ҳосила семемалардаги) биринчи семалар умумий, иккинчилари ўхшаш, учинчилари фарқлидир. Ҳосил қилувчи ва ҳосила семемаларнинг иккинчи семалари референтларининг ўхшаш эканлигини қайд этади. Корейс тилида ҳам худди шунга ўхшаш маъно семемалари мавжуд. Масалан, **화합하다** сўзининг ҳосила маънолари сифатида **집합하다**, **조인하다**, **결합하다**, **접속하다**, **복합하다**, **합성하다** сўзларини келтириб ўтиш мумкин. Бу ерда референтларнинг ўзаро ўхшашлигини кузатишимиз мумкин.

Корейс машҳур ёзувчиси Юн Чун Монинг “Худонинг иши” “신의 알바”**운준** моасарида ҳам жуда кўплаб метаралардан фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин. **하지만 이놈의 배꼽시계는 주인이 피곤한 것도 모르고 눈치 없이 밥 달라며 난리를 쳤다.** Лекин бу одамнинг қорни эгаси чарчаганлигини ҳам сезмасдан **овқат бер деб шовқин соларди.** Бу гапда қориннинг оч қолганлиги шовқин солмоқ ибораси билан жуда чиройли тарзда етказиб берилган. Яна корейс тилида **말을 걸다** ибораси бор, бунинг таржимаси гапирмоқ маъносини беради. **말하다** сўзининг ўзи гапирмоқ деб таржима қилинади, **말을 걸다** эса **말** гап, **걸다** илмоқ (ёки гапни отмоқ, гап қотмоқ) деб таржима қилинади.

Бу эса гапирмоқ маъносини ифодалайди. Яъни, бу шуни англатадики, корейс тилида гапириш ва ёзишнинг 3 та даражаси бор. Бошланғич, ўрта ва юқори даража. Юқорида айтиб ўтган гапирмоқ сўзининг бу икки тури ушбу даражаларни билдиради. Демак, **말하다** бошланғич, **말을 걸다** эса ўрта даражани ифодалайди. Бундан кўришиб турибдики сўзловчи гапираётганда ушбу сўзларнинг қайси бирини қўллашига қараб унинг тилни билиш даражасини аниқласа бўлади. Ушбу иборага шу асардан мисол келтириб ўтсак. **강지우가 프라이팬에 식용유를 뿌리고 있던 그때, 고시원 총무 일을 하고 있는 박시원이 그에게 말을 걸어왔다.** - Канг Жи У товага ёғни солиб турган вақтда ижара уйда иш қилиб юрадиган хизматчи унга **гап қотди.**

그의 눈앞에 웬 이상한 글자가 떠올랐다. - Унинг кўз олдида негадир бояги ғалати ёзув пайдо бўлди (кўз олдига келди)

주사위를 손에 쥐는 강지우는 고민에 빠졌다. - Ўйинчокни қўлида ушлаган Канг Жи У ўйга толди. (ўйга ғарқ бўлди маъносида). **빠지다** феълининг асл маъноси **тушмоқ** бўлиб, бу гапда **ўйнинг ичига тушиб кетиш** маъносида **ўйга толди** деб таржима қилинади. Бундан ташқари яна худди шу феъл **сараме** **빠지다** иборасидаги **сарам** севги сўзи билан бирга келган ва **севиб қолмоқ** деб таржима қилинади. Яъни, **севгининг ичига тушиб кетмоқ** маъносида метафора шаклида ифодаланган. **문을 열자 박시원이 환하게 웃고 있었다.** - Эшикни очган ижара уй эгаси **очикқина кулиб турарди.** Бу гапдаги **환하게** сўзи **ёрқин, очик** деб таржима қилинади.

배가 부르고 슬까지 들어가자 아르바이트가 취소돼서 우울해졌던 강지우의 기분이 풀렸다. - Қорни тўйиб



ароқгача ичиб иши бекор бўлиб ғамга ботган Канг Жи Унинг **кайфияти яхшиланди**. Ушбу мисолда Канг Жи Унинг иши бекор бўлганлиги учун кайфияти яхши эмасди, лекин овқат еб ароқ ичгандан сўнг ёмон кайфияти яхши бўлди. Яъни сўзма-сўз айтганда “кайфияти ечилди, очилди”.

‘ақа **눈 맞았다니 감기기운 돌아서 그래**’ – Боя кўзларимиз тўқнашганди. Tvга 고장 났다고 꼭 시원하게 말하러 갈기원조차 없었다 – Телевизор бузилди деб айтиб боришга ҳолим ҳам йўқ хаттоки. Бу мисолда **시원하게 말하러** иборасидаги 시원하다 сўзининг таржимасини ўзбек тилида изоҳлаб бўлмайди. Чунки унинг маъноси янги узилган ёки салқинликни билдирадиган жуда кенг маънога эга сўз бўлиб уни ишлатганда биз фақат ҳис қилиш орқалигина маъно чиқара олишимиз мумкин. Бу сўз 시원한 과일, 날씨가 시원해요 каби кўринишда ишлатилади ва янги узилган мева, ҳаво салқин (тоза) каби бирикмаларда шу маъноларда ишлатилади.

설명서의 내용은 너무 부실해서 **목구멍 끝까지 욕이 치솟아오를 정도였다**.

– Қўлланманинг мазмуни жуда ҳам тушунарсиз бўлганлиги учун **жаҳли бўғзигача кўтарилиш даражасига етди**. Ушбу мисолдаги **목구멍 끝까지 욕이 치솟아오를 정도였다** иборасини сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак қуйидагича маънога эга бўламиз: жаҳли томоғининг тешигигача кўтарилиш даражасига етди. Яъни бунда муаллиф айтмоқчики жаҳл ва ҳақорат сўзларни айтиш ич-ичидан кўтарилиб томоғининг бўғзигача келиш даражасини чиройли тарзда етказдириб берган.

다시 한 번 보드게임판에서 **빛이 흘러나왔다**. – Яна бир марта тахта ўйин

доскасидан нур таралди. Яъни, **빛이 흘러나왔다** нур оқиб чиқди.

상아처럼 흰 피부, 반짝이는 눈동자 여성스럽게 굴곡 이룬 몸매, 볼꿀색 고수머리- **Фил суюгидек оппоқ бадан**, чакнаб турган кўз қорачиқлар, аёлларга хос бўлган нозик қомат, чиройли товланиб турган сочлар. Бу гапда **상아처럼 흰 피부** иборасида **필 суюгидек оқ тери** бўлмаганидек терининг ранги нисбатан оқ ва тоза бўлганлиги учун уни фил суюгига ўхшатиб чиройли тарзда етказдириб берилган.

통장 작고를 확인한 그의 입가에는 **화한 미소가 매혔다** – Омонат жамғарма дафтарчасини кўриб унинг лабида **майин табассум** пайдо бўлди.

질리언의 **날카로운 목소리가 아니의 공포심을 꺼뜨렸다**. – Жиллионнинг ўткир овози Анининг **кўркувини аланга олдири**ди. Бу мисолда **날카로운 목소리가** ўткир овоз ҳамда **공포심을 꺼뜨렸다** кўркувини алангалатиши метафоранинг бир кўриниши ҳисобланади.

Шунга қарамай, айрим мутахассислар, юқорида келтирилганидай, "метафора - ўхшатишнинг қисқарган шакли" - деган изоҳни илгари сурадилар [Томашевский Б.В. Стилистика я стихосложения. - М.. 1952. С 222]. Бу фикр ҳам ўрни билан тўғри. Масалан, ўзбек тилида токни зарарлайдиган оидиум касаллигини *қул* сўзининг ҳосила маъноси ифодалайди. Уни "қулга ўхшаш касаллик" ўхшатиш қурилмасининг қисқарган шакли дейиш жуда тўғри бўлади. Бу ўринда ўхшатиш субъекти тушиб қолиб, ўхшатиш қурилмасининг фақат *қул* эталони бутун маъносини ўзида сақлаган ва ўхшатишнинг қисқарган шакли - метафора юзага келган. Яъни бунда метафоранинг айрим кўриниши сифатида кўрсатиш мумкин. Лекин шундай метафоралар ҳам борки, уларни бу қолип билан ўлчаб бўлмайди. Масалан, *дарвоза* сўзининг ўз ва ҳосила маъноси мавжуд.



Унинг ўз лексик маъноси ҳовлига кириб чиқиладиган қурилиш комплекси бўлса, ҳосила маъноси футбол ўйинида тўп киритиладиган қурилмани билдиради. Бу ўриндаги ҳосила маънони фалон ўхшатиш қурилмасининг қисқарган шакли, деб изоҳлаш мумкин эмас. Яъни метафораларни ҳамма вақт ҳам ўлчаш имконияти йўқ. Бу шуни кўрсатадики, метафораларнинг ўзи ҳам бир неча кўринишга эга. Бироқ уни тасниф қилишга унча уринилган эмас. Адабиётларда эса метафоралар бутунлай бошқа мақсадда тил ҳодисаси ва нутқ ҳодисаси деб икки кўринишга ажратиб кўрсатилади. [Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. - С. 75.] Нутқ ҳодисаси бўлган метафора назарий тилшунослик учун текшириш объекти бўлмайди. У тилшуносликнинг услубият билан шуғулланувчи соҳасига оиддир. Шунинг учун унга диққатни бўлмаймиз.

Тил ҳодисаси бўлган метафора Европа тилларига оид баъзи адабиётларда, юзага келтирган ўхшатиш белгисига кўра, бир неча кўринишга ажратилади [Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. - С. 75; Rayevska N. English lexicologie. – Киев. 1961, P. 103-110]. Метафоралар бу асосда тасниф қилинса, улар шунча кўп кўринишга эга бўладики, униинг саноғини аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мазкур асос билан уни турли кўринишга ажратиб кўрсатган адабиётлар аниқ бир хил миқдор белгилай олмаганлар. Бизнингча, бу асос

тасниф учун эмас, балки ҳосила маъно юзага келиш сабабини тадқиқ этиш учун тадқиқ қилингани маъқул.

Тил ҳодисаси сифатидаги метафоралар юқорида қайд этилганидан ташқари асосда кўринишга ажратилганича йўқ, Нутқ ҳодисасига оид метафоралар эса персонификация, символизация, аллегория, синестезиялар берилиб, улар метафоранинг кўриниши деб қайд этилган. Бундан ташқари унда оддий метафора ҳам борлиги англашилиб турибди. Нутқ ҳодисасига оид метафораларнинг бу кўринишларини, мохиятан караганда, баъзи ўзгаришлар билан тил ҳодисасига оид метафораларга тадқиқ этса бўлади. Бунда нутқнинг соф ўз хусусиятидан келиб чиққан символизация ва аллегорияларни чиқариб ташлашга тўғри келади. Чунки символизация нутқ кечимидаги эллипсис билан боғлиқ содир бўлувчи метафорадир. [Миртожиев М.М. Эллипсис ва кўчма маънолар // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1973. 1-сон. 57-61-б.]. Аллегория эса нутқ кечимидаги қочирим ва интонация билан боғли ҳолатда юзага чиқади. Шундан келиб чиқиб тил ҳодисаси бўлган метафоралар оддий метафора персонификация ва синестезия каби кўринишларга бўлинади. Метафоранинг оддий метафора, персонификация ва синестезия деган кўринишлари ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг ўзаро ўхшатилиш ҳолатига караб белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Никитин М.В. Курс лингвистической семантики – С.-Петербург., 2007.
2. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. - С. 70
3. Реформатский А.А. Введение в языковедение.
4. Томашевский Б.В. Стилистика я стихосложения. - М.. 1952.
5. Миртожиев М.М. Эллипсис ва кўчма маънолар // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1973. 1-сон.
6. Корейсча-русча луғат
7. 시를 잊은 그대에게 – 정재찬 2012
- 8.윤준모 ‘신의 알바’
9. ridibooks.com



Эшимова Ш. Особенности метафоры тропинимического происхождения. В этой статье кратко объясняется значение соединения, которое возникает в результате интерпретации знаков в процессе тропинимического происхождения. При этом, подчеркивается значимость метафоры как феномена.

Eshimova Sh. Peculiarities of use of trope derivation metaphor. This article briefly explains the meaning of the trope derivation process by a comparative result of the signs. Meanwhile, the importance of the metaphor as a phenomenon is emphasized.